
Рухсор" телеканалининг "Очиқ-ойдин" кўрсатуви бугун Риштон туманига бағишланди

Вилоят ҳокимлиги ҳамда "Рухсор" телеканалининг қўшма лойиҳаси бўлган "Очиқ-ойдин" кўрсатувида шаҳар ва туман ҳокимларининг жонли эфирда чиқишларига аҳолидан жуда ижобий муносабат олинмоқда. Кўрсатув бу ҳафта Риштон тумани ҳокими Суфҳонжон Солиев, туман секторлари раҳбарлари ҳамда туман мутасаддилари иштирокида бўлиб ўтди. Мулоқот чоғида туман ҳокими ва мутасаддилар фуқаролар томонидан телефон ва телеграм мессенжери орқали йўлланган мурожаатларга тўғридан тўғри эфир чоғида жавоб бердилар. Кўрсатув давомида "Рухсор" телеканали ижодкорлари томонидан тумандаги айрим маҳаллалар ва жойларда ўтказилган ўрганишлар бўйича ҳам танқидий лавҳалар намойиш этилиб, мутасаддиларнинг муносабати билдирилди. Мулоқот чоғида фуқаролардан келиб тушган йигирмадан ортиқ мурожаатни тезкор ҳал этиш чоралари кўрилади.

2022-04-30 18:20:50